O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 16 февраль, № 32 (3577) Чоршанба

# ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОРЛАРИ

*Республикамиз қишлоқ хўжалигининг турли русумдаги техникага бўлган талабини қондиришда "Тошкент трактор заводи" давлат акциядорлик жамиятининг алоҳида ўрни бор. Айни пайтда корхонада йилига 3,5-4 минг донагача трактор, минглаб тиркама ва мини тракторлар ишлаб чиқарилмоқда.*





*Айниқса, акциядорлик жамиятида хориждаги нуфузли корпорация ва фирмалар билан замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган тракторлар ишлаб чиқариш бўйича ўрнатилган ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Хусусан, уч йил муқаддам Хитой давлати билан тузилган шартномага кўра, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун мини тракторлар тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Дастлаб бутловчи қисмларнинг барчаси Хитойдан келтирилган бўлса, ҳозир ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастурига биноан, уларнинг 50 фоизидан кўпроғи корхонада ишлаб чиқарилмоқда.*

*Барча русумдаги янги техника ва мосламаларнинг нусхалари дастлаб "Трактор" махсус конструкторлик бюросида тайёрланиб, кейин ишлаб чиқаришга жорий этилади.*

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТЛАРДА: завод ҳаётидан лавҳалар. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

## Мушоҳада

***Яқинда Ўзбекистон телевидениесининг «Спорт» канали футболчиларимиз 1994 йилда Японияда финал учрашувида Хитой миллий терма командаси устидан қандай ғалаба қозонганлиги ҳақида ҳикоя қилди. Беихтиёр ўша кунларни яна эсладик. Мустақиллигимизга эндигина уч йил бўлганда миллиардлаб аҳоли яшайдиган мамлакат спортчиларини қандай енганлигимиз ёдимизга тушди. Осиё олимпиадасида хитойликлар «Ўзбекистон олиб кетган олтин медал учун бошқа турдаги юзлаб медалларимизни алмаштиришга рози эдик», деганда ғалабанинг салмоғини дафъатан ҳис қилгандик.***

# ҒУРУРЛИ ШАХС ЕНГИЛМАС

Эҳ, ўшанда қандай зўр бўлганди! Ярим финалда Азаматнинг олтин тўпи айнан Жанубий Корея дарвозасига киритилганини ҳозир эсласак ҳам қувониб қўямиз. Ҳеч нарса миллатни дунёга спортчалик тез танитолмайди, деган қанотбахш ибора ёдимизда. Мен бу фикрга қўшимча қилиб, айнан спорт миллий ғурур туйғусини ёрқин ифодалайди, дегим келади.

Инсон ўзи мансуб бўлган миллат учун, ўзи яшаётган Ватан учун, ўз шаҳри, тумани, маҳалласи, ҳатто оиласи учун, бошқача айтганда, сулоласи учун ғурурланади. Саволни шундай қўяйлик: бундай туйғу кимга хос? Ўзлигини англаган, вужудида орияти, ҳамияти бор инсонларга хос.

Фақат қорин тўйғазишни, нафс қондиришни ўйлаган махлуққа бундай сезгилар бегона. Инсон зоти шунинг учун ҳам олий қадриятки, унинг мўъжизакор қўллари бунёдкорлик неъматини яратишга қодир. Бузғунчилик ваҳший ҳайвоннинг ҳам қўлидан келади. Фақат ўз фароғати учун бошқаларни топтаган одамларнинг ўша ваҳший ҳайвондан нима фарқи бор? Ўзлигини унутган, ота-онасини тан олмаган кимсанинг ҳам нафсдан бошқа нарсага ақли етмайди.

Орият, ғурур, назарни паст тутмаслик ўзбек миллатининг азалий қадриятларидир. Фақат бу қадрият истиқлолга эришганимиздан кейин янада ёрқин намоён бўлмоқда. Ўзбек боксчиси дунёнинг нариги чеккасида бошқа бир миллат вакилини енгиб, байроғимизни баланд кўтарса, қанчалик шодликка чулғанамиз. Вужудимизга куч-ғайрат ато этади. Бир қарашда қувончимизни ҳайқириқларда, қўл силкитишларда, бир-биримизни бағримизга босишда ифодалагандай бўламиз. Аслида эса сўзда намоён этилмаган, юз-кўзлардаги ғалаба нашидаси жуда кўп маънони англатади. Бу шодлик замирида «Эй дунё одамлари, кўриб қўйинглар, Ер юзида ўзбек деган миллат бор, Ўзбекистон деган жаннатмакон юрт бор, бугун ўша миллат фарзанди, менинг ватандошим юксак шоҳсупага чиқди, ҳаммадан кучли эканлигини кўрсатди. Унинг ғалабасида бутун мамлакатимизнинг ҳиссаси бор. Биз бундан чексиз ғурурланамиз», демоқчи бўламиз. Худди шу маънода қувонганимизни бошқалар ҳис қилганлигини кўрганимизда янада куч-қудратга тўламиз.

Энди айтинг, шундай ғурурли инсонни енгиб бўладими? Ўз Ватанини дунёда энг олди мамлакатлар қатори кўришни орзу қилган, бунинг учун жонини ҳам аямасликка шай одамни халқига қарши қўйиш мумкинми?! Ахир унинг эътиқоди мустаҳкам, интилиши қатъий, одимлари шаҳдам. Шундай юртга содиқ, сўзида собит, нияти эзгу ватандошларимиз қанча кўпайса, Ўзбекистоннинг салоҳияти, кучу қудрати шунча юксалиб бораверади.

Мурғак қалбларга адоват уруғини сепишга уринмоқчи бўлган зотлар, овора бўласиз. Ўзбекистон ўзининг буюк ўтмишига таяниб, ёрқин истиқболига интилиб, тўғри йўлга тушиб олган. Шу азиз Ватан фарзандлари меҳр-оқибатни, бағрикенглик ва тантиликни ота-боболаридан мерос қилиб олишган. Ўйлаб кўринглар, қачон ёвуз ният устун келган? Ахир кимнинг кўнглида қандай ғоя борлиги рўйрост кўриниб турибди-ку?! Асрий тарих гувоҳ, дунёни эзгулик қутқаради. Улуғлар йўлидан бориш, оталар анъанасига садоқат, катталарга эҳтиром, табаррук замин билан фахрланиш миллатимизнинг асл қадриятларидир.

Яратган ҳар биримизни ана шу ғурурдан жудо қилмасин!

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

## Хабарлар оқимидан

### Сўз ва сиҳат бирлиги

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Уюшма раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Т. Қайипбергенов бошқарган бу йиғилишда ёш авлодни маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашда адабиётнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш кераклиги уқтирилди. Айниқса, ҳар ойда ўтказиладиган «Ёшлар куни»нинг аҳамиятини ошириш юзасидан чоралар белгиланди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Журналистлар билан мулоқот

Вилоят ҳокими Убайдулла Яманқулов республика оммавий ахборот воситаларининг Жиззах вилоятидаги мухбирлари ҳамда маҳаллий журналистлар билан учрашди.

Ҳоким журналистларга вилоятда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг бориши ҳақида гапириб берди. Мулоқот чоғида матбуот, радио, телевидениенинг жамият тараққиётидаги ўрни, бугунги журналистнинг ошкоралик, демократияни таъминлашдаги долзарб вазифалари ҳақида мунозаралар бўлди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Жиззах вилояти бўлими фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оммавий ахборот воситалари ходимларига амалий ёрдам бериш, қулайликлар яратиш мақсадида вилоят ҳокими қарори билан Матбуот маркази ташкил этилгани барча учун хушхабар бўлди. Матбуот маркази энг сўнгги алоқа воситалари, зарур жиҳозлар билан таъминланади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЕХҲТнинг амалдаги раиси мамлакатимизда

*15 февраль куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Д.Рупелнинг Ўзбекистонга ташрифи бошланди.*

Ташрифдан мақсад мамлакатимиз раҳбарияти билан Ўзбекистон Республикаси ва ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболини, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини, муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилишдан иборат. Музокаралар давомида ЕХҲТни ислоҳ қилиш, ташкилотнинг асосий тузилма ва институтлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни мувозанатлаштириш муаммоларини ҳамда Ўзбекистон-Словения ҳамкорлигининг истиқболига оид масалаларни кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ЕХҲТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди ва шу туфайли ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Д.Рупелнинг ЕХҲТни аъзо мамлакатларда мавжуд шарт-шароитга мослаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ташкилотга Словения томони раҳбарлик қилаётган даврда устувор этиб белгиланган вазифалар ижросига ўз ҳиссасини қўшишга тайёр.

Ташкилот фаолияти ва таркибининг самарадорлигини оширишни, уч мезон — ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва экологик, ижтимоий мезонлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш заруратини давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ташкилот қамраган маконда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳозирги шароитда устувор йўналиш бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида турган Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти ортиб бораётган ҳозирги шароитда минтақада тинчлик ва барқарорлик масалалари бутун ЕХҲТ маконида хавфсизликни таъминлаш масалалари билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши керак.

# ТУТЗОРЛАР УВОЛИ – ПИЛЛАЧИЛИК ЗАВОЛИ



*Бир туп тут эксанг,*
*юз йил гавҳар терасан.*
Халқ мақоли.

*Муаммо. Муносабат. Мулоҳаза.*

Андижон вилоятида пиллачилик тармоғининг бугунги аҳволига назар ташланса, икки хил манзара намоён бўлади. Баъзи жойларда, айтайлик, Қўрғонтепа туманидаги «Савай», Олтинкўл туманидаги «Ҳақиқат», Избоскан туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллиги» сингари ширкат хўжаликларида бу борада ўзига хос мактаб яратилган бўлиб, йил сайин юқори натижаларга эришилмоқда. Хўжаободлик Ҳайитхон Юсупова, олтинкўллик Асалхон Холиқова каби ипакчилик илмининг билимдонлари ҳар қути қурт уруғидан 125 килограммга етказиб «кумуш тола» етиштирмоқдалар.

Бошқа жойларда эса бунинг аксини кўрамиз. Масалан, шаҳрихонликлар пиллани тиллага тенглаштираман деб, ҳарчанд уринмасинлар, уддасидан чиқолмаяптилар. Қўрғонтепадаги «Қўштепа» ширкат хўжалигида эса ҳар қути ипак қуртидан олинган ҳосил 37 килограммдан ошмаётир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ютуқларнинг омили нимада-ю, судралишларнинг туб илдизи қаерда?

Мутахассисларнинг фикрича, пиллачиликда ҳам туб бурилиш ясаб, биринчи галда озуқа манбаи бўлмиш тутчиликка алоҳида эътибор қаратиш зарур. Қаерда барг етарли бўлса, ўша жойда самарадорлик кўзга ташланмоқда. Барг тақчил жойларда эса иш чаппасига кетяпти.

Хабарингиз бор, кейинги йилларда тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, пиллачиликни янги босқичга кўтариш мақсадида ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 мартдаги «Пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2003 йил 9 сентябрдаги «Пиллачилик соҳаси корхоналарининг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари шулар жумласидандир. Бу муҳим ҳужжатлар талаблари ижроси таъминланган жойларда кўнгилга ёруғлик соладиган натижаларга эришилмоқда, албатта. Бироқ пиллачиликни юксалтириш билан боғлиқ масалаларга ҳафсаласизлик, лоқайдлик, эътиборсизлик билан қаралаётган жамоаларда унинг акси бўлмоқда.

Шу боис вилоят ҳокимлигининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида «Пилла» акциядорлик бирлашмасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар кескин танқид қилинди. Масъуллар зиммасига мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда таъкидланишича, ўтган йили Шаҳрихон тумани пиллакорлари шартнома режасини саксон фоизга ҳам етказолмай, ер чизиб қолдилар.

— Барг тақчиллигидан шу аҳволга тушдик, — дея афсусланди туман пилла корхонасининг собиқ раҳбари Аҳрориддин Раҳмонов. — 74 гектар тутзоримиз бор. Камлик қилди. Ўтган йили «Ўзбекистон» ва «Бўстон» ширкат хўжаликларида 17800 туп тут кўчати экиб, янги 5,4 гектар тутзор ташкил этдик.

— Уларнинг ҳаммаси туп олдими?

Собиқ раҳбар ҳам, янгиси ҳам жавоб беришга қийналди. Кейин билсак, умид билан олиб келинган, не-не машаққатлар билан ўтқазилган ниҳолларнинг кўпи юлдуз кўрмай нобуд бўлибди. «Сардор», «Ҳақиқат» ширкат хўжаликларида ҳар уч туп тут кўчатининг биттаси, Маматов номли хўжаликда тенг ярми қуриб битган ёхуд ҳайвонларга ем бўлган. Туман миқёсида бу кўрсаткич 32,7 фоизни ташкил этиши тутзорлар уволи — пиллачилик заволи эканининг аянчли исботи эмасми?

— Тутзорлар тўлалигича ширкат хўжаликларининг мулки, — деб мулоҳаза билдирди мутахассис Муроджон Аҳмаджонов. — Қолаверса, ҳар бир хўжаликда пилланинг нонини ейдиган агроном, бригада бошлиғи ва участка раҳбари бор. Ана ўшалар назорат қилишлари керак.

— Наҳотки, катта маблағга сотиб олинган кўчатларнинг, ҳеч бўлмаса, ярмини сақлаб қолишнинг иложи бўлмаса?

— Иложи бор, — кўзларида умид учқунлари шуълаланди Муроджон аканинг, — тутзорларни хусусийлаштириш керак, вассалом. Улар фермерларга ёки бўлмаса, ижарачиларга шартнома асосида узоқ муддатга берилса, айни муддао бўларди. Ҳаётнинг кўрсатишича, эгалик ҳисси қарор топган ерда интизом ҳам, эътибор ҳам, назорат ҳам кучаяди. Ўшанда умид билан ўтқазилган кўчат ҳозиргига ўхшаб ўгайланмайди: вақтида сув ичади, дорисини олади, ишлови жойида бўлади. Ҳашаротни ўзига яқин йўлатмайди.

Яна бир муаммо бор: у ҳам бўлса, манфаатдорлик. Пилла етиштирувчилар иш ҳақини вақтида олиб турса, қўли пул кўрса, бошқа муаммолар ўз-ўзидан ечим топади, деб ўйлайман. Амалда шундай бўлмаяпти-да. Ҳатто кўчат етиштирувчилар ўз ҳақларини ундиролмасдан хуноб.

Тутчиликка бўлган бундай муносабат, эътиборсизлик пиллачилик ривожига жиддий таъсир кўрсатмоқда, албатта. 2000 йили вилоят бўйича 2394 тонна пилла тайёрланган бўлса, орадан уч йил ўтгач, бу кўрсаткич 2308 тоннани ташкил этди. Айрим туманларда навсиз ва

(Давоми 2-бетда).

## *Янги замон одамлари*

*«Жалойир» маҳалласида бўлган бир йиғинда янги чиққан бойлар ҳақида гап кетди. Гапга чечан бир одам «э, уларнинг барчаси Тошкентдан олиб келган молларининг устига қўйиб сотгани учун бой бўлган», — деб ҳаммани ишонтирмоқчи бўлди. Чеккароқда ўтирган Салим чўрткесар унинг гапини шартта кесиб ташлади. «Ҳаммаси эмас, ака, Эргаш аканинг ўғли Маҳмуджон томорқасидаги 10 сотих жойга иссиқхона қуриб, бир йилда 4 марта ҳосил олаяпти. Қўша-қўша машинаси бор. Уйини кўриб, ҳа, биззи ўзбегам яшаса бўларкан-ку, девордим».*

# ИШЛАШНИ БИЛИШ КЕРАК

Унинг ғапига маҳалла оқсоқоли Абдураҳим ака қўшилди:

— Тўғри, Мухтор аканинг ўғли Анвар ҳам тегирмондан бой бўлди. Топгани ҳалол, қандини урсин. Ҳа энди, савдо-сотиқ ҳам элга керак-да. Тайёр уйингизнинг олдига истаган нарсани олиб келса, ичингиз оғрийдими. Бойлар кўпаяверсин, тўйини кўрамиз, ошини еймиз, нима дейсиз, қария? — деб тўрда ўтирган 100 ёшли Минҳожиддин бувага қараб қўйди. У эса бошини силкитиб «Зап замон келди-да, илгарилари бой деганнинг уч кунда тухумини қуритар эди», — дея ҳаммани кулдирди.

Мен эса даврада тилга олинган икки бойнинг иши билан қизиқиб қолдим. Учрашиб, суҳбатлашишга аҳд қилдим. Аввало, иссиқхона қурган Маҳмуджоннинг уйига бордим. Бир пиёла чой устида мириқиб суҳбатлашдик.

— Янги рўзғор бўлиб кўчиб чиққанимиздан кейин Худо берган болалар кўпайиб, топиш-тутишдан қийналиб қолдик, — дея гап бошлади у. — Ширкат хўжалигига чиқиб кетмон чопамиз, экин суғорамиз, топганимиз бир қоп ун, беш кило ёғ. Қиш бўлди, озиқ-овқат ташвиши. Чиқиб ишлай десак, яқин атрофда завод, фабрика ҳам йўқ. Хотиннинг дийдиёсини эшитмайин деб қиш кунлари эски чопонни кийиб, кўчага чиқиб кетаман.

Болаларнинг нафақа пули келган куни эру хотин бозорга бордик. У-бу харид қилиб, кўкатчиларнинг олдидан ўтиб, укроп билан кўк пиёзнинг баҳосини сўрадим. Нархи осмонда. Бозордан чиққанимда калламга бир фикр келди. Хотиндан қолган пулни олиб, «хозмаг»дан шартта 10 метр плёнка олдим. Уйга келиб, бир пиёла чой ичгач, узун чуқур қазидим, ичидаги тупроғини ёнига босиб, эски чиринди гўнг билан тўлдирдим. Қаердандир сим топиб келиб, плёнкани ёпдим. Ихчамгина иссиқхона пайдо бўлди.

Энди уруғга пул керак. Маҳалламиздаги дўкончидан бир ойга қайтариш шарти билан пул топдим. 5 метр жойга укроп, 5 метр жойга пиёз сепиб қўйдим. Ана энди, менинг хавотиримни кўринг. Чиқадими, чиқмайдими, бировдан сўрай десам, уяламан. Ҳар куни уч-тўрт марта плёнка остига мўралайман. Йўқ, яхши ният қилсангиз, Худо берар экан. Аввал укроп ям-яшил бўлиб, сўнгра пиёз бир текис униб чиқди. Ҳадемай бозорбоп бўлиб қолди. Келинингиз билан қопга солиб, Қўйлиққа элтамиз, у ерда харидорлар бор, бирпасда орқага қайтамиз. Баъзилар қишдан чиқишда қийналиб юрганида бизнинг дастурхонимизга барака кириб қолди. Рўзғордан ортган беш-олти сўмни жамғара бошладик. Укроп билан пиёздан кейин шартта ҳалиги жойга редиска сепдим, у ҳам пул бўлди. Унинг ҳам даври ўтгач, шартта помидор уруғини сепиб, кўчат қилиб сотдим. Шу билан баҳордан ўтдик. 10 метр жойдан олган фойдани 10 сотих жойга бўйладим. Ёзи билан иссиқхонага керакли нарсаларни йиғдим. Охир куз ерни яхшилаб чопиб, ўғитлаб, ариқларни олиб, тўрт жойига печка ўрнатиб қўйдим, ўтин тайёрладим. Хуллас, бу иссиқхонани ишга тушириб, помидор ва бодринг экдим. Болаларим ёнимда, хотиним билан қизим бозорда. Ҳар куни жарақ-жарақ пул топамиз, денг. Бир йиллик даромадимизга бозордан, эскироқ бўлса ҳам, «Дамас» олдик, юк ташишга. Кейинги йили иссиқхона ичига аввал укроп, сўнг редиска, саримсоқ экдик, кузда эса помидор билан бодрингнинг ёнига гул қўшдим. Маҳаллада бекорчи юрган икки йигитни шартнома билан ишга олдим. Ҳамма хурсанд, фақат кўчадаги бекорчи оғайниларим хафа. Уларга қўшилмай қўйдим, вақт йўқ.

Уй-жойни тўғриладим, «Дамас»нинг ёнига яна биттасини қўшдим. Маҳалладаги мактабга ҳам ёрдам бердик. Хуллас, ака, бой бўлдик. Ҳаммасининг орқасида меҳнат ётибди. Бекорчиларга қўшилиб юраверганимда, юрардим, ҳалигача бирим икки бўлмай. Мендан кўриб ён қўшниларим ҳам ҳаракатга тушиб қолишди. Лекин барибир маҳалламиздаги етмиш фоиз томорқа йил бўйи бир экин билан қолади. Бой бўламан деган одам 5 сотиҳдан ҳам бой бўлади, ака... Ишлашни билиш керак.

Мен унинг ғайрат аралаш хатти-ҳаракатларига эътибор бериб ўтирар эканман, замон одамни қандай ўзгартириб юборгани ҳақида мулоҳаза қилдим. Мустақиллик нима берди, деб англамай юрганларга Маҳмуджондан бориб сўранглар, дегим келади.

Иккинчи суҳбатдошимни тегирмондан топдим. Маълум бўлишича, у миниб юрган машинасини шартта сотиб тегирмон олибди. Тегирмонга ёндош қилиб ҳамма шароитлари билан молхона қурибди ва 5 та яхши новвос боғлабди, бу иш йилма-йил кўпайиб борибди.

— Қилган хизмат ҳақимга пул олмайман, буғдой тортсам кепагини, жўхори тортсам улушимни оламан. Менга тайёр ем, қайнатиб буқаларга бераман. Ҳар йили 3-4 тонна гўшт сотаман. Уй-жойимни яхшилаб олдим, болаларимни шартнома билан ўқитяпман, машинали бўлдим. Қимирлаган қир ошар дейди, осмондан чалпак ёғишини кутганларни кўрсам, энсам қотади.

Анваржон менга салкам 500-600 кило тош босадиган новвосларни кўрсатар экан, бу уддабурон йигитга ҳавасим келди.

Бир тийиндан йиғиб бой бўлган одамларнинг битта ютуғи — меҳнат қилишни билади, ақлни ишлатади, узоқни кўзлайди.

Маҳалладан ўтиб борар эканман, аҳён-аҳёнда бекорчилар тўдасига дуч келаман. Улар осмондан тушадиган хазинани кутиб яшаётгандек туюлади, менга.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**



*Учкўприк туманидаги «Soli-teks» масъулияти чекланган жамиятида йилига 130 минг погон метр духоба ва шойи газлама ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда асосан 100 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилишаяпти. Уларга духоба тўқиш сирларини Самарқанддан келган усталар ўргатмоқдалар.*

**СУРАТДА: самарқандлик уста тўқувчи Зулхумор Сатторова ва унинг шогирди Омина Сатторова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Мақсад: қонун устуворлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш юзасидан 2004 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, Ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган амалий кенгашда билдирган фикрлари ва берган топшириқларидан келиб чиқувчи вазифалар белгилаб олинди.

Прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда доимий эътиборни турли соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалигидаги суиистеъмолчиликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш борасида ҳам самарали ишлар қилинди.

Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, бюджетга ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималарнинг 46 миллиард сўмдан ортиғини ундиришга эришилди. Аммо, «яширин» иқтисодий фаолиятни аниқлаш борасида тезкор хизмат имкониятларидан самарали фойдаланилмаётганлиги ва сусткашликка йўл қўйилаётганлиги қайд этилди.

Прокурор назоратининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида ишлар кучайтирилди, қўлланилган 17 мингдан зиёд кўп прокурор назорати ҳужжатлари асосида мавжуд қонунбузилишларнинг бартараф этилиши таъминланди.

Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти асосан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилди.

Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этишга доимий эътибор қаратилиб келинди. Келиб тушган мурожаатларнинг 36 мингга яқини ҳал қилиниб, натижаларига кўра қонуний қарорлар қабул қилинди.

Прокурор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилгани қайд этилиб, йўл қўйилган айрим камчиликлар танқид қилинди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари ходимларининг касбий тайёргарлиги ва масъулиятини ошириш, улар томонидан ножўя ҳаракатлар содир этиш ҳолларининг кескин олдини олиш ва барҳам бериш ҳақида қатъий талаблар қўйилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази.**

# ФАН-ТЕХНИКА *янгиликлари*

## Жароҳатга малҳам

***Ўзбекистон Миллий университети полимерлар кимёси кафедраси олимлари жарроҳлик муолажалари билан боғлиқ тадқиқотлар устида иш олиб бормоқдалар.***

Яқинда олимлар жароҳатларни боғлаш учун ишлатиладиган материал яратдилар.

Республика фан ва технологиялар маркази гранти асосида яратилган ва микробларга қарши курашувчанлик хусусиятига эга ушбу материал жарроҳликда қўл келмоқда. Айни пайтда у Иккинчи Тошкент тиббиёт институтида юқумли касалликлар жарроҳлиги бўйича ўтказилаётган муолажаларда фойдаланишга тавсия этилди.

## Янги лойиҳа амалда

***Пойтахтимизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Европа Иттифоқининг Таъсис дастури ҳамкорлигида "Малака ва кўникмалар таҳлили бўйича қайта ишланган саволномани қўллаш" дастури асосида анжуман бўлиб ўтди.***

Умумий қиймати 950 минг евро бўлган ушбу лойиҳа республикамиздаги 8 та касб-ҳунар коллежида жорий этилган. Унинг мақсади касб-ҳунар коллежларининг жамоат ва давлат ташкилотлари, хусусий фирмалар билан алоқасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ҳамда тизимдаги ўқитувчиларнинг билим ва малакаларини оширишдан иборатдир.

## Очиқ дарс

***Ғаллаорол туманидаги Абдулла Қодирий номидаги 42-мактабда "Қишлоқ мактабларида чет тилини ўқитишда кўргазмали воситалардан фойдаланиш" мавзуида очиқ дарс бўлиб ўтди.***

Халқ таълими бўлими услубчилари, ўрта мактабларнинг хорижий тиллардан дарс бераётган ўқитувчилари ва АҚШлик мутахассислар иштирок этган ушбу анжуман ўзаро баҳс ва фикр алмашувларга бой бўлди.

Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган иштиёқлари, уларнинг эркин фикрлашга интилишини АҚШликлар халқ таълимини ислоҳ қилиш борасида мамлакатда олиб борилаётган қатъий ҳаракатлар натижасидир, дея баҳолашди.

## Ўзбек олимига ишонч

***Бундан икки йил муқаддам Ўзбек-немис халқаро илмий жамияти тузилган эди. Бу орада у нуфузли йирик тадқиқот марказига айланди.***

Яқинда Германиянинг Фрайбург шаҳрида жамиятнинг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг янги раҳбарияти сайланди. Ўзбек олими Хуррам Раҳимов жамият раисининг ўринбосари этиб сайланди. Тошкент давлат педагогика университети немис филологияси кафедраси мудири бўлиб ишловчи олимнинг нуфузли халқаро ташкилот раҳбариятига сайланиши унга билдирилган катта ишончдир.

**Хабарларни "Халқ сўзи" мухбири Мавжуда ХОЛМАТОВА тайёрлади.**

# ТУТЗОРЛАР УВОЛИ — ПИЛЛАЧИЛИК ЗАВОЛИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

қорапачоқ пилла миқдори 20-25 фоиздан ортиб кетди. Натижада 3,4-3,5 кг. пилладан бир кг. ипак олинди. Ҳолбуки, истиқболли режалар асосида иш юритилаётган жойларда шунча миқдордаги ипак учун 2,6-2,8 кг. пилла кифоя қилмоқда.

Кўриниб турибдики, ҳаётнинг ўзи барча соҳаларда бўлгани каби пиллачиликда ҳам ислоҳотларни чуқурлаштиришни талаб этмоқда. Мутахассисларнинг эътирофича, биринчи галда ипак қуртининг ишончли озуқа базасини яратмоқ зарур. Хўжаликларни ҳар йили 1,100-1,200 минг туп кўчат билан таъминлаб келаётган Хўжаободдаги «Ипакчи» ширкат хўжалиги ҳамда якка тартибда тут кўчати етиштирувчи фермер ва тадбиркорлар Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари даркор. Ҳозирда экилиб келинаётган тутнинг «Пионер», «Совуққа чидамли» навларини кенг баргли, таркибида ипаги кўп бўлган, касалликларга чидамли «Кокусо-70», «Коткросс-2», «Коткросс-3» сингари навлари билан алмаштиришнинг ҳам пайти келди.

Ўтган йили ўғил-қизлари ва келинлари билан 6 қути ипак қурти боқиб, 440 килограмм «кумуш тола» етиштирган, пировардида вилоятда энг юқори натижага эришган Марҳамат туманидаги У. Қорабоев номли ширкат хўжалиги пиллакори Муҳаббатхон Мамасолиева шундай ҳикоя қилади:

— Пилла мавсуми қисқа бўлса-да, машаққати йилга татийди. Қурт уруғини жонлантириб олганингиздан кейин болабақрангиз билан яшайдиган уйингизгача унга бўшатиб берасиз. Керак бўлса, печка ўрнатиб, иссиқ тутасиз. Нега деганда, ипак қурти жуда нозик бўлади. Тозаликни, етарли ҳароратда эмин-эркин ҳаракатланишни, тўйиб озуқаланишни ёқтиради.

Таажжубки, ипак қурти айни даҳага кирган, яъни «иштаҳаси очилган» бир паллада табиат ҳам «ҳунар» кўрсата бошлайди. Ёмғир қуйиб беради. У тиниб улгурмай, момоқалдироқ нақ тепангизда тегирмон тошини ўйнатиб, жаласини бошлайди. Барибир тут новдаларини кесишга мажбурсиз. Нега деганда барг керак. Иссиққина уйингиздаги ипак қурти вишиллаганча емиш сўраяпти. Ҳатто бир қисми ерга тўкилаяпти. Шундай бўлгач, еган-ичганимиз ичимизга тушадими? Ором унутилади. Ҳаловат йўқолади. Навбат пилла теришга келганда эса, ҳар бирини қурт-энадан ҳафсала билан тозалаш, сарасини саракка, пучагини пучакка ажратиш талаб этилади. Сават тўла пиллангиз тарозидан ўтиб, тош босгандагина елкангиздан тоғ ағдарилгандай бўлади.

Энди муддаога ўтсам, авваллари тутзорларга чилла суви бериларди. Дов-дарахтлар бир сувга қониб оларди. Бундан ҳам муҳими, дарахтлар ғовагига, тупроқ остига ғумбак-тухум қўйган ҳашаротлар музлаб, қирилиб кетарди. Бу фойдали усул ҳозирга келиб гўё унутилгандай.

Кейинги йилларда тут парвонаси пайдо бўлиб, у ипак қуртининг озуқасини катта хавф остида қолдирмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилдаги 96-қарорида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё тадқиқотлари республика маркази ҳамда «Ўзбек ипаги» уюшмасига тут парвонасига қарши курашиш ва уни тўлиқ йўқотиш ҳамда тарқалишига йўл қўймаслик юзасидан профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш вазифаси юклатилган эди. Шундан кейин ОВХ пуркагич воситаларидан 178 таси, «ОПВ-2000» русумли боғ пуркагичларидан 9 таси, ўнлаб моторли қўл жиҳозлари ва ҳатто 1 та мотодельтаплан ёрдамида тут парвонасига қарши кураш бошланди. 11 миллион тупдан ортиқ тутга ишлов берилди. Бироқ ҳали ҳам 1247 гектардаги тутзор кучли, 1464,2 гектардаги дов-дарахт ўртача зарарланганича турибди.

— Шира, ўргимчаккана, тут парвонаси сингари зараркунандаларнинг яшаши учун асосий ўчоқ ҳисобланган далаларнинг чети ва ўртасидаги тут дарахтларини кўчириб, улар ўрнида янги тутзорлар ташкил этиш юзасидан дастур ишлаб чиқилди, — дейди вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази раҳбари Қўчқорбой Турдалиев. — Бу ҳар томонлама фойдали. Чунончи, тут қаторлари оралиғида ғўзадан тортиб ҳар қандай экиндан мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин бўлади. Тут паст танали бўлгани учун, касалликка кам чалинади. Яна бир муҳим жиҳати шуки, унинг сояси экин ривожига, яъни зарур ҳарорат ва ёруғлик олишга таъсир кўрсатмайди.

Шу кунларда жамоамиз тут парвонасига қарши биоусул ёрдамида кураш олиб бориш юзасидан ҳам изланишлар олиб боряпти. Агар биз бу усулни йўлга қўйиб олсак, фойдали ҳашаротлар тут парвонасидан ташқари пахтанинг ашаддий кушандаси бўлган ўргимчаккана, кўсак қуртига ҳам қирон келтиради.

— Барча экин майдонлари сингари тутзорларни ҳам суғурталаш ҳақида ўйлаб кўриш керак, — суҳбатга қўшилди «Ўзагросуғурта» ДАСК вилоят дирекцияси раҳбари Нусратилло Икромов. — Ўшанда ташкилотлар, хўжаликлар манфаати ҳимояланган бўлади. Афсуски, ҳозир ҳеч бир хўжалик раҳбари бу ҳақда ташвишланмаяпти.

Ечимини кутаётган яна бир муаммо — бу мутахассислар масаласи. Маълум бўлишича, вилоятда фаолият кўрсатаётган 69 та ўрта махсус, касб-ҳунар коллежидан фақат биттасида, унинг 25 ўқувчидан иборат ягона бўлимида «Фермер-ипакчи» тайёрланмоқда. Ипакчиликдек бутун бошли тизимга фақат шунча мутахассис етарлими? Унда тут кўчати етиштириш, тутзорлар ташкил этиш, дов-дарахтларни озиқлантириш, қаров бериш, ҳашаротлардан ҳимоялаш, жойлардаги ипак қурти уруғи етказиб берадиган корхоналар ишини жонлантириш, хомашёни қайта ишлаш сингари бир қатор юмушлар билан ким шуғулланади? Ипакчиликда қўлланиладиган ва тизимга шиддат билан кириб келаётган илғор технологияларни бошқариш кимларнинг зиммасига юклатилади? Қишлоқ хўжалик инстутларида ипакчилик билан шуғулланадиган етук мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш пайти келмадими?

Авлод-аждодларимиз қадимдан ипакчилик билан бежиз жиддий шуғулланмаган. Чунки пилла паррандачилик, асаларичилик, чорвачилик сингари етти хазинанинг бири ҳисобланган. У пахта ва ғалла сингари мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Даромад манбаи сифатида юрт ободлиги, халқ турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Аслида бу ҳам бизга берилган катта неъмат ва бебаҳо бойлик.

Ҳамма гап ўша бойликдан қай даражада фойдаланиб, хазинага айлантира олишимизда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


# ДИҚҚАТ!

***Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўзининг фирма (логотип ва ёзув) белгисини ишлаб чиқиш бўйича танлов эълон қилади.***

**Дизайн учун қуйидаги талаблар қўйилади:**

*1. Ёзувда Савдо-саноат палатасининг икки тилдаги номи — ўзбекча: "O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi" ва (ёки) инглизча: "Chamber of Commerce and Industry of the Republic of Uzbekistan" ёки SSP (Savdo-sanoat palatasi) қисқартма номи ўз ифодасини топиши керак.*

*2. Давлат рамзларидан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки Савдо-саноат палатаси нодавлат ташкилот ҳисобланади.*

*3. Фирма белгисида Савдо-саноат палатаси фаолиятининг қуйидаги асосий уч йўналиши акс эттирилиши мақсадга мувофиқ:*

*— хўжалик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш;*

*— мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозорларга чиқишига кўмаклашиш;*

*— тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорларни ўқитиш учун зарур инфратузилмани яратиш.*

**Аризалар мазкур эълон чоп этилгандан сўнг 10 кун давомида қабул қилинади.**

Тақдим этилган барча ишлар махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади. Ишлар электрон ёки босма матн шаклида тақдим этилиши мумкин. Қабул қилинган ишлар муаллифларга қайтарилмайди.

***Ғолиб учун мукофот — 100 минг сўм. Ғолиб эълон қилинганидан ва у ўз иши учун соврин олганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси келгусида муаллиф томонидан бирор эътирозларсиз фирма белгисидан фойдаланиш учун тўлиқ ва эксклюзив ҳуқуққа эга бўлади.***

Барча таклифлар билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг матбуот хизматига мурожаат этинг.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6.**
**Телефонлар: 132-09-01, 133-06-99.**
**Мулоқот учун вакил: Рустам Хўжаев.**




*Мустақиллик йилларида маҳалланинг жамиятдаги мавқеи ортди. Халқимизнинг тарихий ўтмишига хос хусусият бўлган маҳалла эндиликда ҳаётимизда катта аҳамият касб этаяпти. Маҳалласиз турмуш ҳеч кимга татимаслигини англаяпмиз. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Чиғатой-Оқтепа» маҳалласида етти мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ушбу маҳалла ҳаёти билан танишгани АҚШ, Франция, Япония, Греция каби мамлакатлардан бир неча бор меҳмонлар ташриф буюришди. Ўтган ҳафта украиналик меҳмонлар бу ерда амалга оширилаётган ишларни завқ-шавқ билан кўришди.*



# МАҲАЛЛА — ВАТАН ИЧРА ВАТАН



Маҳалла оқсоқоли Хайрулла Мўминов мурувватли инсон. У ҳар доим тадбиркорларни саховатпешаликка ундайди. Ўтган йили кам даромадли 12 та оиланинг ҳовлиси тўлиқ таъмирлаб берилди. Шунингдек, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди.

— Фарзандларимиз онгида менинг оилам, менинг маҳаллам, деган фахр-ифтихор туйғусини уйғотаяпмиз. Улар улғайгач, албатта, ўз куч-салоҳиятини юрт равнақига, Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига бахшида этади, — деди оқсоқол. — Шу мақсадда йил давомида спорт турлари бўйича маҳалла биринчилиги ҳамда оилалар ўртасида мунтазам мусобақалар уюштириб келаяпмиз.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси 2004 йилда ўн минг маҳалла ўртасида ўтказган кўрик-танловда Хайрулла Мўминов «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» деб топилди. «Чиғатой-Оқтепа» аҳли тинч-тотув ҳаётнинг доим қадрига етиб бир-бирини огоҳликка ундайди. Маҳалланинг саккиз кўчасида кузатув телекамералари ўрнатилган. Маҳаллага ким келиб кетаётганлиги барчага аён. Эл ардоғидаги оқсоқол «Сиҳат-саломатлик йили»да ҳудуддаги «Карима» шифохонаси билан минг нафар оилани тиббий кўрикдан ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: маҳалла ҳаётидан лавҳалар.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

## *Молия муассасаларида*

***Банк тизимини ривожлантириш иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан мазкур соҳага алоҳида аҳамият берилмоқда. Замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган шарт-шароитларга эга бўлган молиявий муассасалар бунёд этилиб, улар томонидан мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қуйилмоқда.***

***«Ғаллабанк» — шулардан бири. Айни пайтда унинг 32 та филиали, 64 та мини банки, 124 та жамғарма ва 69 та валюта айирбошлаш ҳамда 7 та халқаро пул ўтказиш шахобчаси, мулк шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.***

# «Ғаллабанк»: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Жамоа ўтган йили асосий эътиборини ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қаратиб, барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 6 июлдаги «Банк тизими фаолияти асосий кўрсаткичлари устидан мониторинг ўрнатиш тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятининг молиявий ҳолати, шу жумладан, капиталининг адекват равишда ўсиши ва барча асосий кўрсаткичлар бўйича доимий мониторинг ўрнатди. Натижада, банкнинг умумий капитали 16,3 миллиард сўмдан ортди.

Маълумки, ҳар бир тижорат банки активлари унинг ҳажми, таркиби ва ўсиш даражасига қараб баҳоланади. Ўтган йили «Ғаллабанк»нинг бу борадаги барча кўрсаткичлари бўйича ўсиши кузатилди. Турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга эса 37 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Ҳозирги кунда кўплаб мижозлар банк маблағларидан фойдаланиб, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Молиявий муассасанинг устав капитали кўпайиши билан бирга акциядорларнинг таркибий тузилмаси ҳам ўзгариб бормоқда. Масалан, дастлаб уларнинг аксарият қисми саноат корхоналаридан иборат бўлган бўлса, эндиликда тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари улуши ҳам бирмунча кенгайди. Айниқса, мижозлар сафида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси билан шуғулланаётганлар сонининг ўсиши банк иқтисодиёти ривожланиши учун катта имкониятлар яратди. Ҳозирда мижозларнинг 20 фоизга яқинини, яъни 15531 нафарини тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этади. Ўтган йили уларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 4 миллиард 118,8 миллион сўмлик кредитлар ажратилиб, 1396 та янги иш ўрни очилди. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари жамғармалардан берилган 1 миллиард 344,3 миллион сўмлик кредитлар ҳисобига эса 729 та иш ўрни вужудга келтирилди.

Шу билан бирга, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси учун зарур бўлган ускуналар ҳамда дастгоҳлар билан таъминлашда замонавий банк хизматларидан бири — лизинг амалиёти ҳам кенг тадбиқ этилмоқда. Имтиёзли, қулай ва самарали ҳисобланган бундай усул уларга жуда қўл келмоқда. Бултур ана шундай йўл билан 99,8 миллион сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди.

Маълумки, республикамиз ҳукумати томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор берилаяпти. Бу ўз навбатида нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишини қисқартиришга бевосита кўмаклашмоқда. Шунинг учун «Ғаллабанк» томонидан омонат шохобчалари тармоқлари ҳамда омонатлар тури кўпайтирилмоқда. Жумладан, банкда ўтган йили аҳоли учун янада қулай ҳамда манфаатли бўлган 11 та янги омонат тури жорий этилди. Натижада аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиғи 2004 йил якунига келиб, 6396,2 млн. сўмга етказилди. Бу йилнинг бошидаги кўрсаткичга нисбатан 1983,3 млн. сўм кўпдир. Жамғарма шохобчалари сони эса ўтган йил 124 тага етди. Улардан 31 таси бултурнинг ўзида очилди.

Электрон хизматлар доирасининг кенгайиши, омонатлар шартларининг мақбуллаштирилиши, янги депозитлар жорий этилиши ва хизматлар сифатининг яхшиланиши, айниқса, аҳолининг банкка бўлган ишончини орттирмоқда. Шу кеча-кундузда 36642 нафар омонатчига самарали хизмат кўрсатилаётгани шундан далолат беради.

Бугунги кунда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш бўйича республикамизда пластик карточкалардан, яъни электрон тўлов тизимини кенг фойдаланилаётганлигидан хабардорсиз. Мазкур йўналишда «Ғаллабанк» тизимида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, ўтган йили муассасанинг пластик карточкалар билан хизмат кўрсатадиган 3 шохобчаси фаолият кўрсатиб, улар орқали 321 миллион сўмдан зиёд операциялар амалга оширилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, жорий йил якунигача ҳамда келгуси йилларга мўлжалланган тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларни босқичма-босқич рўёбга чиқариш мўлжалланмоқда. Жумладан, истиқболда банк томонидан 66 минг дона пластик карточкаларни жойлаштириш бўйича иш олиб борилянти.

«Ғаллабанк» республикамиз қимматли қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк оборотига жалб этишнинг замонавий усулларидан бири — эмиссион сиёсатдан кенг фойдаланиляпти. Ушбу йўналишда жисмоний шахсларга мўлжалланган 1 миллиард 50 миллион сўмлик омонат, юридик шахслар учун эмиссия миқдори 10 миллиард сўмдан иборат бўлган депозит сертификатлари муомалага чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

Айни чоғда фермерларга қулайликлар яратиш ва уларга замонавий хизматлар кўрсатиш мақсадида республикамизнинг турли ҳудудларида «Ғаллабанк»нинг мини банклари ташкил этилган. Бундай кичик молиявий шохобчалар сони 70 та бўлиб, улар орқали 8 мингдан ортиқ мижозга сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Умуман, «Ғаллабанк»нинг ўтган йилдаги фаолияти самарали бўлди, у ўз олдига қўйилган вазифаларни беками-кўст уддалаб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўз улушини қўшди. Жамоа аҳли жорий йилда ҳам мазкур йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш йўлида саъй-ҳаракат кўрсатмоқда.

**Банк матбуот хизмати.** t

ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ**нинг 47% (қирқ етти фоиз) акциялар пакетини 35 152 936 (ўттиз беш миллион бир юз эллик икки минг тўққиз юз ўттиз олти) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх ва **«ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР» ОАЖ**нинг 39% (ўттиз тўққиз фоиз) акциялар пакетини 6 315 000 (олти миллион уч юз ўн беш минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича сотиш юзасидан илгари эълон қилинган тендерлар («Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг 2004 йил 10 ноябрдаги сонлари) доирасида тендер таклифларини қабул қилиш муддати **2005 йил 1 майгача** узайтирилганлигини маълум қилади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Эътиборига:
Улуғбек Каримович Вахабов
бош директор.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс: +998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@mail.tps.uz

Молиявий маслаҳатчи:
«ФИНАМ» инвестицион компанияси, Россия Федерацияси, Москва шаҳри, 103045, Даев тор кўчаси, 20-уй, «Даев-Плаза» бизнес-маркази, 2.16-офис.
Эътиборига:
Максим Евгеньевич Кузин
бош директорнинг биринчи ўринбосари.
Телефонлар: +7 (095) 204-83-78, 204-81-40.
Факс: +7 (095) 204-81-07.
Эл. почта: mxk@finam.ru mxk@freemail.ru

157R/258

NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

hereby announces about the prolongation of Bid submission deadline on the previously announced tenders for sale of 47% (forty seven percent) shares packages of **JSC "UZTEMIRYULYULOVCHI"** with starting bidding price not less than 35 152 936 (thirty five million one hundred fifty two thousand nine hundred thirty six) US Dollars and 39% (thirty nine percent) shares packages of **JSC "UZTEMIRYULKONTEYNER"** with starting bidding price not less than 6 315 000 (six million three hundred fifteen thousand) US Dollars ("Narodnoe Slovo" and "Halk suzi" newspapers as of November 10, 2004) till **May 1, 2005**.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

For all issues related to the tender, please contact:

The Work Body of the State Property Committee:
CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg.,
17th Floor
Uzbekistanskaya str. 55
700003 Tashkent, Uzbekistan
Attention: Mr. Ulugbek Vahabov
Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
Email: ccpbuz@tps.uz

Financial Adviser:
Investment company "FINAM"
20, Dayev side str., "Dayev-Plaza"
Business-Center,
2.16 office,
Moscow, Russian Federation, 103045
Attention:
Mr. Maxim E. Kuzin
First Deputy Director General
Telephone: +7 (095) 204 83 78, 204 81 40
Fax: +7 (095) 204 81 07
Email: mxk@finam.ru mxk@freemail.ru

157Л-1/258

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

МАЗ

ўз маҳсулоти бўлган МАЗ русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникаларни (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...) ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Лизингга ҳам!

Барча автотехникалар учун кафолат берилади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.



АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

КОНЦЕРТМЕЙСТЕР ЛАВОЗИМИГА ВАКАНСИЯГА ЭГА.

Ишга қабул қилиш — танлов асосида.

Ходимлар бўлими телефони: 133-40-65.

Томошабинлар диққатига!

«Ўн икки ой» спектаклига 2004 йилнинг 24 декабридан 2005 йилнинг 9 январигача кўрсатиладиган спектаклларга олинган чипталар эълон чиққан кундан бошлаб 5 ой мобайнида ўз кучига эга.

Ушбу чипталар премьера, тижорат ва гастрол спектакллардан ташқари ҳамма балет ва опера спектаклларини кўриш учун кучга эга.

Маълумот учун телефон: 133-90-81.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! Товар сертификатланган

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.


«ГАЗ-31105»


«ИЖ-2717»,


«ВАЗ-2106»


«ГАЗЕЛЬ»

*Музейлар фаолиятидан*

*Интернетни кузатиб, иттифоқо, скрипка ушлаб турган йигитнинг суратига кўзим тушиб қолди. Суратнинг остида «Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейи ходими Орзибек Хўжаназаров ўзи ясаган скрипка билан» деган сўзлар ёзилган. Бутун дунё ахборот тизимидаги шу биргина сурат туфайли музей фаолияти билан қизиқиб қолдим.*

# ДУРДОНАЛАР МАСКАНИ

— Музейимиз бундан 75 йил аввал ташкил этилган эди, — дея сўз бошлайди директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари **Гулбаҳор ЖУЗИМБЕТОВА.** — Ўтган давр мобайнида у маданий-маърифий марказга айланди десак, муболаға бўлмайди. Марказий Осиёдаги маданият ва маърифат муассасалари ичра биринчи қалдирғочлардан ҳисобланган ушбу даргоҳ халқ тарихи маданияти, ўсимликлар ва наботот оламини тарғиб этиб келаётир. Бу ердаги ҳар бир буюмдан тарих нафаси уфуриб туради. «Шундай такрорланмас дунёни яратиб, ўз ижодиётига мангулик бахш этган усталарга тасаннолар бўлсин», деб ёзганди музейга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлардан бири.

1927 йилда ўлкамизга ўқиш амалиётига келган талабалар қорақалпоқ овулларидан этнографик материаллар тўплашган ва археологик ёдгорликларни қазиш ишлари амалга оширилган.

Дастлаб фақат бир неча экспонатлар билан фаолият бошлаган музей 30-йилларнинг охирига келиб 1022 та экспонатга эга бўлган. 1935 йили тарих-ўлкашунослик музейига айлангач, унда ишлаш учун бир қатор олимлар жалб қилинади. Хусусан Я. Ғуломов, С.Толстов, Т.Жданко каби таниқли олимлар раҳбарлигида Орол бўйида олиб борилган археологик-этнографик экспедициялар, шунингдек жамоанинг катта меҳнатлари натижасида музей фонди янгиланиб, бойиб борди.

Бугунги кунда музейнинг табиат, археология ва этнография, янги тарих бўлимларида 56 мингдан ортиқ экспонатлар сақланади. Улар халқимиз ўтмиши, бугуни ва келажагидан сўзлайди. Тупроққалъа, Жампиқ қалъа, Аёз қалъа, Қирққизқалъалардан топилган ёдгорлик-буюмлар музейнинг энг ноёб ашёларидир. Ўз касбига меҳр қўйган 40 нафардан зиёд фахрийлар ва иқтидорли ёшлардан иборат бўлган жамоа Юртбошимизнинг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонини дастуриламал қилиб олган ҳолда иш юритмоқда. Заҳирадаги экспонатларни тартибга келтириш ва сақлаш шароитларини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш устахонаси ва маъмурий ходимларга махсус хоналар ажратилди.

Фондимиз йил сайин янги топилмалар билан тўлдирилмоқда. Экспонатлар йиғиш учун шаҳар ва туманларга экспедициялар жўнатиш, музейнинг ўзида ва ундан ташқарида кўчма кўргазмалар, оммавий-маданий тадбирлар уюштириш анъанага айланиб бораётир. Ҳар йили Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими, Нукус давлат педагогика институти, "Оролни қутқариш" халқаро жамғармаси ЖЭФ агентлиги, "Маҳалла" жамғармаси, "Қатағон қурбонлари" хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари билан ҳамкорликда ранг-баранг тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, муҳим саналарга бағишланган кўргазмалар, учрашувлар, юбилей ва семинарлар ўтказиш ҳам одат тусига кириб қолди. Қомусий олим Берунийнинг 1030, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги, халқ қаҳрамони Эрназар Олакўз, классик шоирлар Бердақ ва Ажиниёзнинг хотира кечалари, Ўзбекистон Қаҳрамони, «Саховат» фермер хўжалиги раиси А.Ўтениёзов иштирокидаги учрашув фикримиз исботидир. Булардан ташқари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, коллеж ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган музей дарслари, маърузалар ҳам иш режамиздан мустаҳкам ўрин олган. Ўтган йилнинг кузида музейимизнинг 75 йиллик юбилейини нишонладик. Шу муносабат билан экспонатлар ва коллекциялар рекламасининг турли шакллари — афишалар, тақвимлар, йўл кўрсаткичлар, каталоглар ва музей рамзи туширилган нишонлар тайёрланди.

**— Энди Орзибек Хўжаназаров ҳақида гапиришсак.**

— Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги ўзининг бетакрор гўзаллиги билан кишини ҳайратга солади. Ходимларимиз орасидан ҳам каштачилар, ёғоч ўймакорлари, ҳайкалтарошлар, мусиқа асбоблари усталари етишиб чиқмоқда. Улардан бири Орзибек Хўжаназаров ўзи ясаган скрипка билан Лондонда ўтказилган халқ усталари буюмлари халқаро кўргазмасида қатнашиб, юқори баҳо олди. Мутахассислар унинг скрипкаси овозини машҳур Страдивари скрипкаси даражасида эътироф этдилар. Уста, унинг мусиқа асбоби ҳақидаги маълумотлар ва фотосуратлар Интернетнинг махсус сайтига киритилди. Сиз ўша сайтни кўрган бўлишингиз керак.

Рассом А. Сейтимбетовнинг ҳайкалтарошлик соҳасидаги изланишлари ва муваффақиятлари ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. В.Байбакова, З.Акимова, М.Аймурзаевалар тайёрлаган ёдгорлик сумкачалар, каштали ҳамёнлар, кўзойнак халтачалари ва туморларни хорижий сайёҳлар ўлкамиз тўғрисидаги эсдалик сифатида харид қилаётирлар. Шу кунларда уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш ва аҳоли буюртмаларини бажариш мақсадида заргарлик, каштачилик ҳамда ҳунармандчилик цехларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тарих ва маданиятимизнинг ноёб дурдоналари ҳисобланган музейимиз коллекцияси республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳурдир.

**"Халқ сўзи" мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.**

# Спорт



*Таэквондо*

## Чемпионлар аниқланди

Аввал хабар берганимиздек, Тошкентдаги Марказий ҳарбий спорт клубида таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича қора белбоғ соҳиблари ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада вилоятлардан келган 120 нафар спортчи ғолиблик учун баҳс юритди. Маълумки, таэквондонинг мазкур йўналиши Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган. Ўтган йил Греция Олимпиадаси майдонларида ҳамюртларимиз Ирина Кайдашова ва Наталья Микрюковалар ватанимиз шарафини ҳимоя қилган эди.

Икки кун давом этган беллашувлар якунига кўра, қизлар ўртасида Тошкент шаҳри вакиллари Ирина Дергач, Венера Абдураззоқова, Саида Ҳазратова, Сабина Громова, андижонлик Ирина Кайдашова ва қашқадарёлик Сайёра Зуҳриддиновалар ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритдилар.

Ўғил болалар ўртасида самарқандлик Диловар Рустамов, Георгий Чернов, Тошкент шаҳридан Евгений Ли, Павел Хан, Рашид Аҳмедов, Виталий Ан, Рустам Машарипов ва Фарғона вилоятидан Акмал Эргашевлар мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент шаҳри, иккинчи ва учинчи ўринлар Самарқанд ва Фарғона вилоятлари спортчиларига насиб этди.

Мусобақа сўнгида барча вилоятлар таэквондо ВТФ федерацияларига «КОIКА» ташкилоти томонидан спорт жиҳозлари топширилди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Р. ГАЛИЕВ олган сурат.**

## Сузувчиларимиз муваффақияти

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида сузиш бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир якунланди.

Мусобақада Тошкент ва Андижондан тўққиз нафар спортчи юртимиз шарафини ҳимоя қилди. 200 метрга комплекс усулда сузишда Мафтубону Тўхтасимова маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шу масофада эркин усулда сузишда у иккинчи ўринни банд этди. Сергей Панков 200 метрга чалқанча ва баттерфляй усулда сузишда биринчи, 50 ва 100 метрга сузишда иккинчи ўринни эгаллади. Шоҳруҳ Юнусов эса 100 ва 50 метрга чалқанча усулда сузишда ғолибликни қўлга киритганди. 200 ва 400 метрга комплекс усулда сузиш баҳсида иккинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Муштарийбону Аҳмедова, Зулфия Ахмедшина, Екатерина Маматқулова, Данил Коваль ва Собит Амиловлар фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

Спортчиларимизга Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик қилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ВИЛОЯТ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. (ЎзА мухбири Л.СУВОНОВ).*** Зангиота туман спорт мажмуида ўсмирлар ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги якунланди.

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур беллашувда юздан зиёд спортчи иштирок этди.

Ўғил болалар ўртасида биринчи ўрин Чирчиқ шаҳар автомобиль мактаби курсанти А.Тўраевга, қизлар орасида эса Чирчиқ шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти вакили Л.Бутизовага насиб этди.

Чирчиқ шаҳар автомобиль мактаби умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.


**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар.**

- Гидрология ва гидрогеология — доцент (1), ассистент (1,75).
- Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш — профессор (1), доцент (1), ассистент (1).
- Жисмоний тарбия — катта ўқитувчи (1).
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги — ассистент (1).

*Кафедра мудирлари лавозимларига танловда фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.*

***Танловга аризалар қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.***

*Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:* Тошкент ш., Қори-Ниёзий к., 39-уй, ТИМИ ходимлар бўлими. **Телефон: 137-19-49.** Ректорат.



**«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) и**

**ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»**

**предлагают к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.**

*Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)*

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну сум. Цены действительны по 28.02.2005 г. |
|---|---|

**ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| ДУ 15х2,8 мм | 944000 | ДУ 40х3,0-3,5 мм | 934000 |
| ДУ 20х2,8 мм | 944000 | ДУ 50х3,0-3,5 мм | 934000 |
| ДУ 25х2,8-3,2 мм | 944000 | ДУ 100х4,5-5,0 мм | 994000 |
| ДУ 32х3,2 мм | 934000 | | |

**ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 76х2,8-4,5 мм | 994000 | 114х3,0-6,0 мм | 994000 |
| 89х5,0 мм | 994000 | 159х5,0-6,0 мм | 1199000 |
| 108х3,0-4,5 мм | 994000 | | |

*Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):*

- *Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);*
- *Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);*
- *Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);*
- *Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).*

Контактные телефоны: 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.



MS Consult

**Единственная консалтинговая компания в Узбекистане, имеющая международный сертификат ISO 9001:2000, приглашает 23 февраля на курс-тренинг по ISO 9001**

**• Внутренний аудитор системы менеджмента качества ( 3 дня)**

*Курсы проводятся совместно с международным сертификационным органом RWTÜV*

Подробно на www.ms-consult.uz

На курсе
- Дается обзор стандарта ИСО 9001-2000.
- Рассматриваются цели и виды аудитов.
- Определяются этапы планирования и подготовки аудита.
- Изучаются организация и методы проведения аудитов.
- Определяются обязанности аудиторов и проверяемых.
- Освещается составление отчетов по этапам аудита.
- Рассматриваются корректирующие действия по выявлению несоответствий.

Тел./факс: (998 71) 136-55-34, 152-76-71.
Моб. (998 97) 111-07-49.
e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru



**РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.**

**Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.**

Телефон 134-48-11.

**Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.**

*Товар сертификатланган*



*Корхоналар раҳбарлари диққатига!*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга жавоб берувчи сифат бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 349-қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида

**«MANAGEMENT CONSULTING» КОМПАНИЯСИ**

**6 кунлик «ИСО 9001:2000 халқаро стандартига мос келувчи сифат бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» курсига таклиф этади.**

*Курс 2005 йил март ойининг бошида «Камалак» пансионати (Юқтошда) ўтказилади.*

**Қўшимча маълумотлар билан қуйидаги телефонлар орқали танишишингиз мумкин: 136-14-09, 154-66-98.**



*Фермер, деҳқон-фермер, ширкат хўжаликлари ва МТПлар диққатига!*

**РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР БАЗАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШЎЪБА КОРХОНАСИ**

**Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ШИНАЛАРИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ**

**пул ўтказиш йўли билан арзон ва сифатли маҳсулотларни таклиф қилади.**

Пахта ва ғалла (23210..., 23220...) траншларини ҳам қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 132-12-07, 41-09-20, 41-49-43, 41-50-04.
Факс: 132-12-04.


Маданият ва спорт ишлари вазирлиги А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректори А. Тўраевга акаси

**Умаржон ТЎРАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Назорат бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Алимовга онаси

**ХОСИЯТОЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси социология ва сиёсатшунослик бўлими мудири Манзура Холматовага укаси

**Шокир ҲАЙДАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси университетнинг ҳисоблаш техникаси кафедраси доценти Хожиакбар Раҳимовга онаси

**ИҚБОР аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси «Физика» кафедрасининг ассистенти Шуҳрат Шокирович Сатторовга падари бузруквори

**ШОКИР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5